

“ҚУТАДГУ БИЛИГ” АСАРИДА БҮЛІМЛАР ТАРКИБИ ВА НОМЛАНИШ УСЛУБИ

Рихситилла Алимухамедов

филология фанлари доктори, в.б. профессори

Ориентал университети

Аннотация: Мазкур мақолада Юсуф Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги бүлімлар таркиби, уларнинг мазмуний түзилиши ва номланиши услуги таҳлил қилинади. Асарда ҳар бир бүлім ўзига хос дидактик мазмун, насиҳатгүй рух ва аниқ түзилишга эга бўлиб, муаллифнинг давр ижтимоий-сиёсий ҳаётига муносабати билан уйгуналашиб боради. Мақолада сарлавҳаларнинг стилистик хусусиятлари, уларнинг функционал вазифаси ва қадимги туркӣ адабиётдаги сарлавҳа бериси ан’аналари билан боғлиқлиги ўрганилади. Шунингдек, бўлімларнинг номланишидаги поетиклик, афоризмлик ва маънавий-естетик жиҳатлар таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Қутадғу билиг, Юсуф Ҳожиб, бўлім таркиби, сарлавҳа услуги, дидактик асар, қадимги туркӣ адабиёт, матнишунослик, поетик структура, афоризм, стилистика, номлаш ан’анаси.

Туркӣ адабиёт тарихан ўзок ўтмишга эга бўлиб, унда қадимдан кичик ҳажмли асарлар билан бирга йирик ҳажмли асарлар баравар яратиб келинган. Мазкур асарларнинг барчаси маълум қолип асосида шаклланган бўлган. Кўпчилигининг түзилишида ўзига яраша анъана ҳам шаклланган эди. Бундай анъана сифатида шаклланган хусусиятлардан бири – йирик ҳажмли асар бўлімларига сарлавҳаларнинг берилишидир. Мазкур ҳолат қадимги туркӣ муҳитдаги туркбұдда адабиётидаги “Сюан-Цзан кечмиши”нинг олтинчи бўлими биринчи варагида қўйидагича келтирилган:

- “2. bodistv tayto samtso ačari-nïj
- 3. yoguγ-İN uqitmaq atly tsi
- 4. in čün tigmä kavi nom bitig”¹².

“Майтри симит ном битиг”нинг биринчи варагида қўйидагича берилган:

- “2. emit bu nomluγ savagy aŋ maŋit eltä
- 3. račagri känt ulušta uqmış k(ä)rgäk”¹³.

¹² Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана.–Москва. “Наука”. 1991. Лист VI 1. – С. 97, 223.

¹³ Қадимки уйгур йезигидиги Майтри симит. I. Урумчи. 1988. 116- 6.

Бу анъана кейинги давр туркий матнларида ҳам мавжуд. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу билиг” асаридаги ҳар бир бобнинг сарлавҳаси мавжуд. Масалан, Yeti yulduz, on iki ökäk buruj(niň ögdükini) ayur, Aytoldi oylı Ögdülmışkä pand bermişin ayur¹⁴, - каби. Асарларнинг бўлимлари олдидан ном бериш анъанаси ўрта асрларда яратилган йирик асарларда ҳам учрайди. Масалан, Алишер Навоий “Хамса”сининг ҳар бир достонида сажъ қилиб берилган¹⁵.

Юқорида келтирилган мисолларда туркий адабиётда сарлавҳа қўйиш анъанасининг қадимдан то ўрта асргача бўлган ривожланиш босқичини кўриш мумкин. Бунда “Кутадғу билиг” асарида келтирилган сарлавҳалар анча ривожланган, асар бўлимининг қисқа ва лўнда мазмунини ўзида акс эттириши билан ажralиб туради. Шу билан бирга, “Кутадғу билиг”дан бошлаб туркий адабиётда шеърий асарларга насрой сарлавҳалар қўйиш анъанаси бошланган. Ушбу анъананинг давомини Алишер Навоий “Хамса” достонларига битилган гўзал сарлавҳаларида кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. – Москва. “Наука”. 1991. Лист VI 1. – С. 97, 223.
2. Қадимқи үйғур یىزىغىدىگى مایتىرى سئمئىت. ئورو مچى. Симит. I. Урумчи. 1988. 116- 6.
3. Содиков К. “Кутадғу билиг”нинг уйғур ёзуви Ҳирот нусхаси. Тошкент. 2010. 23-б.
4. Бу ҳақида қаранг: Қурбонов А. “Хамса” сарлавҳалари бадиияти. Тошкент. 2016.

¹⁴ Содиков К. “Кутадғу билиг”нинг уйғур ёзуви Ҳирот нусхаси. Тошкент. 2010. 23-б.

¹⁵ Бу ҳақида қаранг: Қурбонов А. “Хамса” сарлавҳалари бадиияти. Тошкент. 2016.